

«Дехконобод калий заводи» АЖ да коррупцияга қарши кураш тизимининг
2022 йил биринчи чоракдаги фаолияти бўйича
ҲИСОБОТ

«Дехконобод калий заводи» да коррупцияга қарши кураш тизими фаолиятини ташкил этиш борасида 2022 йил биринчи чораги учун режалаштирилган асосий тадбирларнинг ижроси таъминланди. Ҳисобот даврида коррупцияга қарши тизимни яратиш бўйича ички меъёрий ҳужжатларни тайёрлаш борасида ишлар давом эттирилди. Хусусан, «Дехконобод калий заводи» АЖ нинг коррупцияга қарши курашиш менежмент тизимининг структураси ва коррупцияга қарши курашиш соҳасида маъсулият ва ваколатларни ташкилий функционал тақсимооти ҳақида Низом (24.03.2022 йилдаги №510) ишлаб чиқилди.

Шунингдек ушбу маъсулият ва ваколатларни ташкилий функционал тақсимотидан келиб чиқиб, кадрлар бошқармаси Низоми ишлаб чиқилиб, унда коррупцияга қарши курашиш менежмент тизими талабларини эътиборга олган ҳолда қўшимча маъсулият ва ваколатлар белгиланди.

Коррупцияга қарши курашиш бўйича менежмент тизимини ишчи ходимлар ўртасида тарғиботини кучайтириш мақсадида жамиятнинг коррупцияга қарши сиёсати ва ахлоқ кодекси ўзбек тилига ўтирилди.

Ҳисобот даврида ишлаб чиқилган ички меъёрий ҳужжатларнинг талабларини ишчи ходимларга етказиш борасида ишлар ташкил этилди. Хусусан ушбу ҳужжатлар электрон тармоққа жойлаштирилиб, уларнинг мазмуни ҳақида умумий йиғилишларда тушинтиришлар олиб борилди. Бундан ташқари «Комплаенс хизмати» телеграмм канали ташкил этилиб, жамиятда коррупцияга қарши курашиш бўйича амалга оширилаётган тадбирлар ҳақида маълумотлар жойлаштириш йўлга қўйилди.

Тузилаётган шартномаларнинг, ўтказилаётган тендер ҳамда танловларнинг мавжуд қонунчилик ва ички меъёрий ҳужжатлар талабларига мослиги борасида мониторинг олиб бориш, йўл қўйилган айрим хато ва камчиликларни бартараф этиш бўйича тадбирлар олиб борилди. Ҳисобот даврида жамиятда 887 та 186 621 087,2 сўмлик шартнома имзоланган. Имзоланган шартномаларнинг 73 (танлов, ягона етказиб берувчи ва тўғридан- тўғри расмийлаштирилган шартномаларнинг барчаси) тасига коррупцияга қарши бандларнинг киритилиши таъминланган. (Ўтган йили шу даврда фақат 10 шартномада коррупцияга қарши бандлар киритилган).

Ҳисобот даврида 87 танловлар ўтказилган. Танловларни ўтказишда «Давлат харидлари тўғрисидаги» Ўзбекистон Республикаси қонуни талабларига риоя этилиши юзасидан доимий назорат йўлга қўйилган. Натижада, ўтказилган танловлардан 21 амалга ошган ҳамда 66 таси бекор қилиниб, қайта танлов эълон қилинган.

Ҳисобот даврида жамиятда 8 март муносабати билан 285 нафар хотин-қизларга 131 446 956 сўмлик совғалар (ўтган йил шу даврда 1 939 413 сўм) берилган, 36 580 000 (ўтган йил шу даврда 59 870 000 сўм) сўмлик вакиллик харажатлари амалга оширилган. Хомийлик ва мурувват ёрдамлари кўрсатилмаган (ўтган йил шу даврда 46 299 809 сўм). Харажатларнинг ҳужжатлаштирилиши ички меъёрий ҳужжатлар асосида ташкил

килиниб, жумладан комплаенс хизмати билан келишилган. Ушбу мақсадлар учун жамиятнинг бизнес режасида назарда тутилган харажатлардан ошиб кетмаган.

Ҳисобот даврида жисмоний ва юридик шахслардан келган 72 та (ўтган йили шу даврда 154) мурожаат ўрганиб чиқилган. Ушбу мурожаатлардан 45 таси (ўтган йили шу даврда 107) ишга қабул қилиш, 5 таси (ўтган йили шу даврда 9) хомийлик ёрдами кўрсатиш, 1 таси (ўтган йили шу даврда 1) қонун ва тартиб бузилиши бўйича, 6 таси (ўтган йили шу даврда 1) минерал ўғитлар сотиб олиш бўйича, қолган 15 таси (ўтган йили шу даврда 32) эса бошқа масалалар бўйича бўлган. Мурожаатларнинг 53 таси (ўтган йили шу даврда 143) жисмоний шахслардан, 19 таси (ўтган йили шу даврда 11) эса юридик шахслардан бўлган.

Шунингдек ушбу даврга қадар жами 72 мурожаатдан 31 та (ўтган йили шу даврда 4) мурожаат бўйича тегишли чоралар кўрилган, 39 таси (ўтган йили шу даврда 124) бўйича тушинтиришлар берилган, қолган 2 таси (ўтган йили шу даврда 25) бўйича текшириш давом эттирилмоқда.

Жамиятда ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг талон-тароғ килинишининг олдини олишга қаратилган тадбирлар олиб борилди. Жамиятга қарашли бўлган марказий омборни тўлик санокдан ўтказиш ва моддий жавобгар шахсни алмаштириш борасида тадбирлар олиб борилди. Натижада товар-моддий қийматликлардан 5 800 000 сўмлик камомад аниқланиб, суриштирув натижасида кўрсатилган суммани собиқ омбор мудирини “Х.А” ойлик иш ҳақидан ушлаб қолиш ва ўзига нисбатан интизомий жазо чораси қўллаш ҳақида ҳулоса қилинди.

Республиканинг турли вилоятларидаги “Агрокимёхимоя” ҲАЖ лар ваколатли ижара омборларида ўғитлар қолдигини инвентаризациядан ўтказиш орқали аниқланган камомадларни ундириш борасида юборилган материаллар асосида жамиятнинг мутасадди ходимларидан иборат гуруҳлар қўшимча равишда хизмат сафарларига юборилиб, жойлардаги прокуратура органлари, ваколатли ижара омборлари билан ҳамкорликда тадбирлар олиб борилди.

Натижада, “Кучлук туманлараро таъминот” МЧЖ дан 335000000 сўмлик дебитор қарздорлик ундирилди. Сирдарё вилояти Боёвут туман “Агрокимёхимоя” филиалидан 13,1 тн маҳсулот қорхонага қайтариб олиб келтирилди. Хоразм вилоят “Агрокимёхимоя” филиалида қолдиқ бўлиб турган 0,6 тн маҳсулот биржа савдолари орқали сотилди.

Ўтган йили шу даврда турли вилоятларидаги “Агрохимоя” ҲАЖ филиалларидаги ваколатли омборларда жами 7311,7 тн 11 873 596 580,0 сўмлик калий хлорид маҳсулотини ўзбошимчалик билан ишлатиб юбориш ҳолатлари аниқланган бўлса, ҳисобот даврида эса бундай омборларга маҳсулотлар юборилмаган ва ўзбошимчалик билан ишлатиб юбориш ҳолатларига йўл қўйилмаган.

Олдиндан мавжуд бўлган вилоятларидаги ҳудудий бўлимларидан жами 335 000 000 сўмлик дебитор қарздорликлар тўғридан тўғри пул кучириш орқали ундирилди. Ҳисобот даври охирида 34 169 048 минг сўмлик дебитор қарздорлик сақланиб қолган.

“Ўзкимёсаноат” АЖ нинг 49-сонли буйруғи талабларидан келиб чиқиб, жойларда ваколатлари омборларни харид қилиш бўйича ўтказилган танловда “ISTAD PO'LOT” МЧЖ га қарашли омбор хариди амалга оширилди. Ҳозирча, эҳтиёж йўқлиги боис шартнома имзоланмаган. Келгусида ушбу омборнинг 49-сонли буйруқ талабларига тўла

жавоб беришини ўрганиш мақсадида ишчи гуруҳини хизмат сафарига юбориш ва ижобий хулоса олинган тақдирда шартнома имзолаш режалаштирилган.

Ишга қабул қилиш билан боғлиқ мурожаатларни мутасадди ходимлардан иборат хайъат томонидан кўриб чиқилиши, хайъат таркибида шунингдек комплаенс хизмати ходимининг ҳам иштирок этиши йўлга қўйилди. Жумладан жорий йилнинг биринчи чораги давомида ишга қабул қилинган 48 нафар ходимларнинг 24 нафари комплаенс хизмати билан келишилган, 13 нафари “Ўзкимёсаноат” АЖнинг розилиги асосида касаначилик бўйича, камида 2 нафар номзод иштирокида очик танлов йўли билан, таклиф этилган мутахассис сифатида 1 нафар ҳамда 6 нафар ходимлар мос мутахассисликлар бўйича ишга қабул қилинган.

Жамиятда ходимларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини ривожлантириш, коррупцияга нисбатан тоқатсизлик принципи шакллантириш бўйича ўқитиш бир қатор тадбирлар амалга оширилди. Жумладан, “Дехқонобод калий заводи” АЖ раҳбар ходимларини коррупцияга қарши ўқитишни ташкил этиш бўйича ўқув гуруҳи ҳамда машғулотлар мавзулари ишлаб чиқилди ва бошқарув раисининг тегишли буйруғи билан тасдиқланди.

Бошқарув раиси ҳузурида ўтказилган йиғилишларда 6 марта (ўтган йили шу даврда 5) оммавий профилактик тушинтириш ишлари олиб борилди. Жамиятда коррупцияга қарши тизимнинг тадбиқ этилиши билан боғлиқ масалалар муҳокамаси ўтказилиб, аниқ ижрочилар ва ижро муддатлари кўрсатилган ҳолда навбатда амалга оширилиши лозим бўлган тадбирлар белгиланди, бу борада таркибий тузилмалар раҳбарларининг маъсулиятини ошириш борасида умумий профилактик тушинтириш ишлари олиб борилди.

Жамиятда манфаатлар тўқнашуви ҳолатлари мавжуд ёки мавжуд эмаслигини декларациялаши лозим бўлган 139 нафар ходим томонидан йиллик декларациялар тўлдирилиб, кадрлар бошқармасига топширилди. Манфаатлар тўқнашуви ҳолати аниқланган бошқарув раисининг 1-ўринбосари “Б.Б” нинг эгаллаб турган лавозимидан четлаштирилганлиги билан ҳолат бартараф этилди.

Жамият бошқарув раисининг транспорт ва логистика масалалари ўринбосари “Ж.Б” нинг яқин қариндошига қарашли хусусий корхонага жамият балансида бўлган фойдаланилмай ётган 0,5 Га ер майдонини вақтинча фойдаланишга бериш ҳақидаги буйруқ лойиҳасига салбий хулоса берилиб, потенциал манфаатлар тўқнашуви ҳолати бартараф этилди.

Шунингдек жамият тиббий пунктига қарашли соғломлаштириш маскани “Б.А” нинг моддий жавобгар шахс бўла туриб, бевосита кўл остида яқин қариндошнинг меҳнат қилиб келаётганлиги ҳолати манфаатлар тўқнашуви комиссиясида кўриб чиқилди. Натижада кўрсатилган ҳолатда реал манфаатлар тўқнашуви ҳолати мавжудлиги хулоса қилиниб, улардан бирини бошқа ишга ўтказиш орқали манфаатлар тўқнашуви ҳолатини баратараф қилиш борасида қарор қабул қилинди ҳамда ижросини таъминлаш учун кадрлар бошқармасига юборилди.

Ўтган йили шу даврда манфаатлар тўқнашуви ҳолатларини декларациялаш амалга оширилмаган, бундай ҳолатлар аниқланмаган.

Контрагентларни текшириш ва тегишли тартибда расмийлаштирилиши билан боғлиқ муаммолар бўйича шартномавий мажбуриятларни бажариш ва газначилик бўлими маъсул ходимлари билан индивидуал тартибда профилактик суҳбат ўтказилди, келгусида бундай тадбирларни тўғри ташкил этиш ва ҳужжатлаштириш борасида амалий тавсиялар берилди. Ҳисобот даврида харидларни амалга ошириш жараёнида барча иштирокчилар маълум талаблар доирасида текшириш йўлга қўйилган бўлса ҳам, ички йўриқнома талаблари доирасида сўровномалар тўлдириш орқали тўлиқ ҳажмда текшириш ва хулосалар тайёрлаш тадбирлари амалга оширилмаган.

Ҳисобот даврида жамиятда 1 та ички суриштирув тадбирлари олиб борилди. Жумладан, “PLATINUM AVTO DIZEL” х.к. томонидан тегишли ҳужжатларсиз жамиятга келтирилган 76544 минг сўмлик товар-моддий қийматликлар бўйича тўпланган материаллар Дехконобод туман прокуратурасига юборилди.

Жамиятда биринчи чорак якунида коррупцияга қарши тизимнинг жорий ҳолати таҳлил қилиниб, келгусида алоҳида кўрсаткичларни яхшилаш борасида тадбирлар ишлаб чиқилди. Жумладан,

-коррупцияга қарши ички меъёрий ҳужжатларининг тарғиботи бўйича тадбирларни тасдиқланган режа асосида давом эттириш. Асосий эътиборни жамият ходимларини тоифаларга бўлган ҳолда биринчи навбатда коррупцион таваккаллар даражаси юқори бўлган лавозимларда ишловчи ходимларни коррупцияга қарши ўқитиш ишларини жадаллаштириш;

-жамиятда ISO туркум халқаро стандартларини “ДҚЗ” АЖ да тадбиқ қилиш ва сертификациялашга тайёрлаш хизматини кўрсатувчи ташкилотни танлаш бўйича танлов ҳужжатларини тайёрлаш ва танловни ўтказиш;

- жамият контрагентларини текшириш тадбирларини тўлақонли равишда амалга ошириш ва хулосалар тайёрлаш ишларини йўлга қўйиш.


«Дехконобод калий заводи» АЖ
Комплаенс хизмати бошлиғи
5 апрель 2022 йил.



Ў.У.Мейлиев

Комплаенс хизматининг 2022 йил биринчи чоракдаги фаолияти бўйича ҳисобот билан танишдим:

«Дехконобод калий заводи» АЖ
бошқарув раиси
“ _____ ” апрель 2022 йил.



О.А.Қурбонов